

1. Сифат сўз туркумининг тарихий тараккиёти.
2. Сифат ясалиши.
3. Сифат даражалари ва унинг интенсив формалари.

XV—XIX асрларга мансуб манбалар тилида кайд этилган сифатлар хам умуман туркий тиллардаги, хусусан, ўзбек тилидаги сифатларга хос барча хусусиятларга эга бўлиб, булардан асосийлари куйидагилар:

Нарса-предмет ва ходисаларнинг белгисини билдириш сифатнинг семантик асосидир. Белги билдириш хусусияти ва табиати жихатидан туб (аслий) ва нисбий сифатлар бир-биридан кисман фаркланувчи ўзгачаликларга эгадир:

туб сифат ифодалайдиган белги тушунчаси шу сифатнинг тўгридан-тўгри маъносидан англашиладиган ранг, тус, тур, там, маза, хажм, вазн, меъёр, сатх, микёс каби доимий сифатий белгилар билан boglik bўлади, бу доимий сифатий белгилар конкрет ва абстракт характерда бўлиши мумкин: ак алма, ак кўл, аччык дানўк, аччык дард каби; нисбий сифатда эса бслги тушунчаси шу ясама сифатга асос бўлган сўздан англашиладиган нарса-предмет ёки ходиса маъноси билан boglik bўлиб, унинг белги хусусияти бошка турдаги нарса-предмет ёки ходисага турли даражада нисбат берилиши оркали ифодаланади.

Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида сифат тарихан морфологик кўрсаткичи унча тараккий әтмаган сўз туркуми саналади. Тадқикотчиларнинг фикрига кўра сифат даставвал мустакил сўз туркуми сифатида мавжуд бўлмаган, у сўнгрок от туркумидан ўсиб чиккан ва шаклланиб ривожланган.

Э. В. Севортяннинг таъкидлашича, сифатнинг отдан дифференциацияланиш жараёни анча илгариги даврларда бошланган, V—VIII асрларга келиб бу жараён анча кенг тус олган. Сифатнинг жамланиши ва кристаллашиши аста-секинлик билан турли даврларда пайдо бўлган турли формалар хисобига юз берган. Бу формаларнинг айримлари кадимдаёк каммаксул бўлган, айримлари эса ўз сермаксуллигини хозирги кунларгacha саклаб колган ва хатто янада кенгайтирган. Айрим формалар от ва сифат учун мушггарак бўлган, айримлари факат сифатгагина тегишли бўлган, лекин кейинги даврларда тараккий килмаган [Севортян 1963, 58].

Туркий тиллар тараккиёт боскичининг кадим даврларидан бошланган сифатнинг отдан ажralиб чикиши узлуксиз ходиса бўлиб, бу жараён хануз давом этмоқда. Бундан хамма сифат хам отдан ажralиб чиккан, деган фикр келиб чикмаслиги керак. Чунки сифат мустакил категория сифатида ажralиб чиккандан кейин бу туркум таркибига янгидан кўшилган белги ифодаловчи бир катор туб ва ясама сўзлар, ясовчи аффикслар мавжудки, уларнинг келиб чикиши ва табиати хозирча аникланган эмас.

Сифат туркумiga оид сўзларнинг катта кисмини ясама сифатлар ташкил килади. Ясама сифатлар икки хил йўл билан: морфологик (аффиксация) ва синтактик (композиция) хосил килинади.

Морфологик усул билан сифат ясалиши. Морфологик усул билан сифат ясалиши узок тарихга эга бўлган асосий усуздир. Сифат ясалишига асос бўлган ўзак морфема исм ёки феъл туркумiga оид бўлишига караб ясовчи морфемалар хам исмлардан ёки феъллардан сифат ясовчи тарзида иккига бўлинади.

Сифат ясовчи аффикслар тарихан кўп бўлмаган, улар хозир хам унчалик кўп эмас.

Текширилаётган давр тилида улар күлланиш даражасига кўра бир хил эмас, баъзилари унумли, баъзилари эса унумсиздир.

Ислардан сифат ясовчи аффикслар. Исл туркумига оид сўзлардан сифат ясашда куйидаги аффикслар кўлланган:

-лыг/-лиг,-лук/-луг,-лўк/-лўк. Ушбу аффикс вариант-лари-нинг ишлатилишидаги фонетик шароит куйидагича:

Таркибида лабланмаган унлилардан бири бўлган бир бўгинли, шунингдек, барча ёки сўнгги бўгинида шу унлилардан бири бўлган кўп бўгинли каттик негизларга аффикснинг асосан лабланмаган орка катор вариантлари, юмшок негизларга эса олд катор вариантлари кўшилади: ағызлық, йазлық, баглыг, татлық, йашлық, канлық, билиглиг, корғанлық, атлық, йараглыг, эвлик, йамаглық, кәчўлик.

Лабланган унлили бир бўгинли, шунингдек, барча ёки сўнгги бўгинда лабланган унлиси бўлган каттик негизларга аффикснинг лабланган орка катор вариантлари, юмшок негизларга олд катор вариантлари кўшилади: бойлук, кайгулук, отлук, андухлук, қўчлук, йизлук, олтурушлук, кўрклук, тўрлук, кутлук, отлуг отлук, йамгурлук, тўклук, уйлук, йосунлук, сўтлук, қўлгилук, қўчлук, сўймлук.

Баъзан бу умумий конуниятнинг бузилиши кузатилади; лабланмаган унлили негизларга аффикснинг лабланган вариантлари, шунингдек, орка катор вариантлари юмшок ўзакларга ва аксинча, олд катор вариантлари каттик негизларга кўшилиб келади. Бу ходиса, айникса, XVII—XIX асрларда кўпроқ кузатилади.

-лы/-ли,-лу/-лў. Бу аффикс вариантларининг ишлатилишида хам асосан сингармонизм конуниятига амал килинган: олд катор вариантлари юмшок негизларга, орка катор вариантлари каттик негизларга кўшилган: кэндли, отлы, йаглы, татлы, мәғизли, кэрўкли, билигли, йаралы, йакалыг каби. Лабланган -лу/-лў вариантларининг кўлланишида бошкачарок манзара кузатилади; сингармонизм конунига биноан таркибида лаб унлиларидан бири бўлган бир бўгинли ёки сўнгги бўгинида шу унлилардан бири бўлган икки ёки кўп бўгинли каттик негизларга аффикснинг орка катор вариантлари, юмшок негизларга олд катор вариантлари кўшилиши керак бўлгани холда, бу конуниятга мос ишлатилиш сийрак кузатилади: отлу, туглу, кўзлў, йузлу, кўркўлў каби мисоллар кам учрайди. Кўп холларда лабланган унлиси бўлмаган сўзларга аффикснинг лабланган вариантлари, аксинча, лабланган унлили сўзларга аффикснинг лабланмаган вариантлари кўшилиб келади: гамлу, намлу, баглу, йоллыг, койлы, туглы, кўкли кўзли каби.

ги/-ғы, -қы/-қи аффикси кадимий махсулдор морфемалардан бўлиб, Ўрхун-енисей, кадимги уйгар ёзуви обидалари, XI—XIV асрларга мансуб ёдгорликлар тилида хам анча кенг кўлланган: Байакы йолга тегдилЎр (КР). Жавхар балчыкка тушса, бурунгы бикин нафис туур (СС). Астындакы азакларына кара кушларны баглады (КР). Бу элкиндўки нарсалар нэ туур(НФ).

-дагы/-дўги, -дакы/-дўки. Бу аффикс асосан отларга кўшилиб, ўринга ва пайтга мансублик маъносидаги сифат ясайди:

-сыз/-сиз. Бу аффикс асосан отларга кўшилиб ўзакдан англашилган нарсага, холатга, хусусиятга эга эмаслик маъносини ифодаловчи сифат ясайди: Васл ноши дунйада болмас, Атайи нишсиз(Атоий).Капугын эшики йарагсыз туур(КР).

Эски ўзбек тилида форс-тоҷик тилидан ўзлашган куйидаги аффикслар хам фаол кўлланган:

-ий. Адабиётларда «ёйи нисбат» деб юритилади ва нисбий сифат ясайди:

Шах кылыб хылъатыны райхāний,

Рāст андак ки сарви бостаний

(Хамса)

-нāк. Отдан муайян белгига эга бўлган сифат ясайди: ... лаъли ёташнāк (Махб.к), ...

кЎлм гамыдын ул гамнāк (Махб.к).

-г̄н. Ранг билдирувчи сифат ясайди:

Субҳыдам ким сипехри минāг̄н

Йэрни байзāдын этти байзāг̄н.

(Хамса).

-ваш. Ўхшатиш маъносидаги сифат ясайди:... шахзāдайи париваш... (Max.k.), ... мāхваш сāкий... (Max.k.).

-вāр. Ўхшатиш маъносидаги сифат ясайди: бузургвāр, умидвāр. ... дурри шāхвāр з̄л̄п йэргЎ т̄ши (Max.k.).

Бу аффикслардан ташкари, -ин, -фāм, -āний сифат ясовчи аффикслари хам кўлланган. Феълдан сифат ясовчи аффикслар. Феълдан сифат ясовчи аффикслар унчалик кўп эмас. Улардан факат биргина аффикс сермаҳсул бўлиб, колганлари каммаҳсул ва ўта каммаҳсул аффикслардир.

Улар куйидагилар:

-г/-г,-к/-қ(ыг/-иг,-ық/-ик,-уг/-үг,-ук/-үк).Аффикс вариантла- рининг кўплиги сингармонизм конуни амалда бўлганлигидан далолат беради. Бирок юмшоклик-каттиклик ва лаб гармонияси коидасининг бир кадар бузилиши кузатилади, жарангли ва жарангсиз ундошли вариантлар ишлатилишида муайян конуният ва фонетик шароитни белгилаш кийин. Чунки айрим манбаларда асосан жарангсиз ундошли вариантлар ишлатилса, уларнинг кўпчилигига (хатто бир сўз доирасида хам) хар иккала вариант баравар кўлланаверади. Лекин умумий нисбатига кўра жарангсиз унлили вариантлар аксариятни ташкил килади.

Феъдан сифат ясашда энг сермаҳсул бўлган бу аффикс ёрдамида ясалган сифатларда ўзакдан англашилган маъно билан boglik белги-хусусиятга эгалик тушунчаси

ифодаланади:Демасун коркак (ШН). Бу руд курук руддур, мунда харгез сув болмас (БН).

-н(-ын -ин,-ун,-ун,-ан,-Ўн).Кадимий восита келишигининг бу аффикси ўзининг биргалик маъноси асосида сўнгрок сўз ясаш функциясини хам касб этган. У ўзакдан англашилган белгига эгалик маъносини ифодаловчи сифат ясаган: Недин толун ай йузу! илЎ хусн талашур (Атоий). Кийамат азабындын йакынму туур (ТФ).

л(-ыл/-ил). Бу аффикс айрим феъллардан ўзакдан англашилган харакат ёки холат белгисига эгалик маъносини ифодаловчи сифат ясайди: Дунйаны! тугал малыны берса! (НФ).

Шу билан бирга, -ыр / -ур (Бу ағыр ишқЎ оградымыз (КР)), -ри / -ры (Куиы эгрилиги чындор (Лутфий)) кўшимчалари билан хам сифат ясалган.

Синтактик (композиция) усул билан ясалган сифатлар сифат туркумига мансуб лексик бирликларнинг катта кисмини ташкил килган. Улар сифат ва бошка туркумларга мансуб сўзларнинг бир-бири билан турли комбинацион воситалар ёрдамида бирикуви, жуфтлашуви, такрорлануви ва тизилуви оркали хосил бўлган. Улар таркибий кисмларининг бирикув тарзига кўра кўшма ва мураккаб сифат ясалади.

Синтактик усул билан ясалган сифатлар тургун бўлмайди ва укўпроқ услубий вазифа бажаради: кара й`зл`к башы (Навоий), кара тамгалық ай (Лутф.).

Сифат даражалари. Сифат даражаларининг туркий тилларга хос учала тури ва хар

бир турнинг ифодаланиш усуллари бу давр тилида хам мавжуд.

Хозирги ва ўтмиш лингвистик адабиётларда сифатнинг оддий, киёсий ва орттирма даражалари хакида фикр юритиб келинган ва унда рус тили колипидан келиб чикилган. Ўзбек тилидаги сифатлар эса бу колипга тушмайди, балки оддий даражада, белгининг камлиги даражаси ва белгининг ортиклиги – кучайтирув даражасини фарклаш имкониятини беради.

Оддий даражада. Башка даражаларнинг хосил бўлиши учун негиз вазифасини бажаради ва белги нейтрал даражада бўлади. Бу шакл “ноль” шакл бўлиб, унда аффикс катнашмайди.

Белгининг камлиги эса бир неча аффикслар оркали хосил килинади:  
-рак/-рўқ.

Ким ки улугрек, а|а хыдмат керўк

Ул ки кичикрўк, а|а шафкат керўк.

(Хамса).

-мтул. Кызымтул, карамтул, йашымтул (Мабоинул-лугат).

Белгининг камлиги даражасида сифатга хос бўлган асосий белгининг камлигини билдиримайди, балки башка белгига сифат ифода килаётган белгидан кисман мавжудлигини англатади.

Белгининг ортиклиги ва кучлилиги даражаси. Бу даражада сифатларни тўлик ва тўликсиз такрорлаш хамда сифат олдидан равишларни келтириш оркали хосил килинади.

Тўла такрор: Ме!излўри г<sup>‐</sup>л‐г<sup>‐</sup>л, кабаглары ке!<sup>‐</sup>ке!<sup>‐</sup> (Навоий). Баъзан бундай сифатларнинг биринчи кисмида чикиш келишиги аффикси хам катнашади ва маънонинг янада кучайтирилишига хизмат килади: Зâхирим авқаты йамандын‐йаман (Навоий).

Тўликсиз такрор. Бунда биринчи бўгин п,м ундошлари иштироқида такрорланади:  
ап‐ачыг, ап‐ак, йуп‐йумалак, чуп‐чукур, йЎм‐йЎшил (Мухок.луг.).

Сифат олдидан равиш сўзлари келтирилади: Багайат бийик киши (Навоий), асрү ке!<sup>‐</sup> (Бобир).

Таъкидлаш зарурки, -рак/-рўқ аффиксли шаклларда киёс маъноси йўқ эмас, балки белгининг камлиги маъноси бош маънодир.

### Савол ва топшириклар:

1. Сифат ясовчи эски ўзбек тилига хос бўлган кўшимчаларни сананг.
2. Эски ўзбек тилида орттирма даражадаги сифатлар кандай хосил килинади?
3. Белгининг ортиклиги ва кучлилиги формалари кандай хосил килинади?
4. Сифат даражалари шаклланишининг хозирги ўзбек тилидан фаркли томонларини изохлаб беринг.

### Таянч тушунчалар:

Сифат даражалари – сифатларда белги микдорининг ифодаланишини билдирувчи грамматик шакллар жами.

Оддий даражада – белгининг камлиги ва ортиклигини хосил килиш учун негиз вазифасини бажарувчи шакл, белги нейтрал акс этади.

Белгининг камлиги – сифат лексемасига хос бўлган асосий белгини эмас, балки башка сифатдаги белгининг кисман акс этишини билдиради.

Белгининг ортиклиги(кучлилиги) – белгининг одатдаги меъёридан ортиқ эканлигини ёки кучайтириб берилишини ифодаловчи шакл.